

**1 – масала**

**“2014-2015 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2015 йил 4 декабр 3/1-сонли қарори**

**“2014-2015 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор А.Т.Қўлдашевнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуидагиларни таъкидлайди.**

2014-2015 ўқув йилининг кузги семестрида ўқув жараёнида назоратни ташкил этиш, якуний назоратларни холисона, адолатли ҳамда педагогик этика меъёрларига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли ҳамда 2013 йил 13 декабрдаги 470-сонли буйруқлари билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низоми асосида амалга оширилди.

Якуний назоратларни холисона, адолатли ўтказиш мақсадида институтнинг назорат ва мониторинг бўлими ҳамда ўқув бўлими ходимлари томонидан ўқув ишлари проректори бошчилигига комиссия ташкил этилиб, талабаларнинг якунний назорати кафедра мудирлари бошчилигига баҳоланди.

Институтда 2014-2015 ўқув йилининг баҳорги семестрида (05.06.2015) талабалар контингенти **3674** нафар бўлиб, **3553** нафари бакалавр ва **121** нафари магистрларга тўғри келади.

Институт талабаларининг 2014-2015 ўқув йили баҳорги семестр якунлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларини факультетлар кесимида тахлил қилганимизда қуидагича бўлди.

№	Факультет номи	Умумий талабалар сони	Қайта топширишларсиз ўзлаштириш кўрсаткич						Талабалар сафидан четлаштирилганлар			
			Фанларни баллар кесимида ўзлаштириш бўйича талабалар сони:				Умумий ўзлаштирган талабалар сони:					
			86-100 баллга	71-85 баллга	55-70 баллга	54-баллдан паст балл туплаганлар	сонда	фоизда				
1	Архитектура	861	109	253	372	127	<b>734</b>	85%	125	14,5%	<b>2</b>	0,2%
2	Курилиш	909	33	116	395	365	<b>544</b>	60%	337	37,1%	<b>28</b>	3,1%
3	Қурилишни бошқариш	390	44	85	120	141	<b>249</b>	64%	138	35,4%	<b>3</b>	0,8%
4	Мухандислик коммуникациял ари қурилиши	775	60	178	262	275	<b>500</b>	65%	264	34,1%	<b>11</b>	1,4%
<b>Жами талабалар</b>		<b>2935</b>	<b>246</b>	<b>632</b>	<b>1149</b>	<b>908</b>	<b>2027</b>	69%	<b>864</b>	29,4%	<b>44</b>	1,5%
5	Магистратура	61	11	20	9	21	<b>40</b>	66%	19	31,1%	<b>2</b>	3,3%
<b>институт бўйича жами</b>		<b>2996</b>	<b>257</b>	<b>652</b>	<b>1158</b>	<b>929</b>	<b>2067</b>	69%	<b>883</b>	29,5%	<b>46</b>	1,5%

2013/2014 ҳамда 2014/2015 ўқув йилларининг баҳорги семестр якуни бўйича кўрсаткичлар тахлил қилганимизда институт бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари қуидагича.

т/р	Таққослаш шакли	2013/2014 ҳамда 2014/2015 ўқув йили баҳорги семестрларнинг таққосланиши		изоҳ
		2013-2014	2014/2015	
1	86<R<100, балл туплаганлар сони	10.7	8.6	-2.1

2	71<R<85 балл түплаганлар сони	24.6	21.7	-2.9
3	Факат 55 < балл түплаганлар сони	63.6	68.2	+4.6
4	Умумий ўзлаштириш	98.9	98.5	-0.5

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ўтган ўкув йилининг баҳорги семестрига таққослаганимизда ўзлаштириш кўрсаткичи **0.5 %** га камайган.

Талабалар ўзлаштиришининг ўсишига институтда талабалар билимини баҳолашда рейтинг системасини қўлланилиши, ўкув фанлар бўйича қўшимча маслаҳатларни уюштирилиши, талабалар мустақил ишларини ташкил этишда услубий таъминотни яхшиланиши, кафедралар ўқитувчилари томонидан тузилган ва АРМга берилган компьютер ўкув дастурларидан, электрон ўкув қўлланмаларидан, маъруза матнларидан талабаларнинг кенг фойдаланишига олиб келишимиз керак бўлади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

- “**2014-2015 ўкув йили бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича баҳорги семестр якунлари ҳақида**”ги масала юзасидан ўкув ишлари проректори **А.Т.Қўлдашев**нинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.
- Баҳорги семестр якунлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши ва давомати барча факультетлар илмий кенгашларида кўриб чиқилсин ва янги ўкув йилида таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилансин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2016 йил январ ойигача.
- Талабаларга жорий, оралиқ назорат турларидан түплаган баллари тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида ўтказилиши ва рейтинг ойнасида ёритиб борилиши тўлиқ таъминлансан ва назоратга олинсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва фан ўқитувчилари. **Муддати:** Семестр бўйича тасдиқланган жадвал асосида.
- Талабаларнинг давомати, ўзлаштириши ҳамда талабаларнинг дарсга келиб кетишларини жидий назоратга олинсан ва уларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қайтадан ишлаб чиқилсин. **Маъсуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари ва гурух мураббийлари, ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиги. **Муддат:** 2015 йил 25 декабргача.
- Ушбу қарор ижросининг назорати ўкув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш хотиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## 2 – масала

**“Институтда 2015 йил давомида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг якунлари ва 2016 йилдаги вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2015 йил 4 декабр 3/2-сонли қарори**

**“Институтда 2015 йил давомида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг якунлари ва 2016 йилдаги вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор Э.Х.Исаковнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуидагиларни таъкидлайди.**

2015 йилда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари қуидаги **4 та** устувор илмий тадқиқот йуналишларида, яъни илмий кенгаш томонидан тасдиқланган куннинг иккинчи ярмида бажариладиган, давлат маблағ билан таъминланадиган, хўжалик шартномалари ва докторлик диссертациялари асосида бажарилди.

Ушбу илмий-тадқиқот ишлари институтдаи мавжуд **5 та** илмий лабораториялар ва марказларда олиб борилмоқда. Барча илмий тадқиқот ишларини бажаришга институтнинг **93 %** профессор-ўқитувчилар ва **20 %** (756 нафар) иқтидорли талабалар жалб этилган. 2015 йилда **106 млн. сўм** маблағ миқдоридаги **ИОТ-2015-2-14** “Тежамкор фазовий ёпма конструкциялар қўлланилган катта оралиқли ноёб бинолар ва иншоотлар тажрибавий қурилиши технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” ҳамда **ИОТ-2015-7-26** “Ишқорли ва портланд цементлар асосида самарадор ноавтоклав ячейкали бетонлар ва синтетик кўпик ҳосил қилувчилар таркибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзуларида инновация давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилмоқда.

Жорий йилда жами **159,1 млн** сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилиб, **900** дан ортиқ илмий мақола ва тезислар чоп этилди. **15 нафар** талаба халқаро ва республика миқёсидаги нуфузли танловларда ғолиб бўлдилар.

Институтда республика миқёсидаги **3 та** илмий анжуман ўтказилди ҳамда бошка таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ўтказилган бир неча анжуман, олимпиада ва танловларда иштирок этилди. Талабалар фан олимпиадасида республика миқёсида **2 та** совринли ўрин кўлга киритилди. Институтда иқтидорли талабалар билан ишларининг истиқболли режасига асосан **2 нафар** талаба **Беруний номидаги давлат степендијаси соҳиби бўлдилар**.

Институтдаги **8 та** йўналиш бўйича катта илмий ходим-изланувчилар фаолият кўрсатмоқда. Лекин, мавжуд ютуқлар қаторида катта илмий ходим-изланувчилар институтини 2014 йилда тамомлаган катта илмий ходим-изланувчилардан муддатида **илмий ишини ҳимоя қилмаганлиги**, бу борада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Институтда илмий тадқиқот ишларида эришган ютуқлар билан бир қаторда қуидаги камчиликлар мавжудлиги таъкидланди ва уларни бартараф этиш бўйича қуидаги таклифлар берилди.

- фан докторлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш борасида фаолиятларини таҳлил этиш, институт кенгашларида ҳисботларни мунтазам тинглаб боришни йўлга қўйиш. Мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва шу орқали илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ўртача ёшини ёшартиришга эришиш;

- Ўзбекистон Республикасидаги турдош олий ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги илмий тадқиқотларни ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишларини янада ривожлантириш;

- кафедралар хузуридаги илмий семинарлар фаолиятини мунтазамлигига эришиш;
- катта илмий ходим – изланувчиларни ва мустақил изланувчиларнинг халқаро илмий – амалий анжуманларида фаол иштирокларини ва хорижий илмий журналларда мақолаларини чоп этишни таъминлаш учун чора тадбирлар ва тақдифлар ишлаб чиқиш;

- институтда иқтидорли талабалар сонини кенгайтириш, уларни турли нуфузли танловларда иштирокини таъминлаш;

- илмий тадқиқот лабораторияларида ускуналар, ўлчов воситаларини янгилаш, замонавий хилларига алмаштириш;

- инновацион ғоялар ва ишланмалар борасида бажарилаётган ишлар ва патент-лицензия ишларини янада ривожлантириш;
- илмий ва ўқув лабораторияларидағи ускуналар, ўлчов воситаларини янгилаш, замонавий хиллари билан алмаштириш;
- давлат томонидан ёки халқаро ташкилотлар томонидан маблағ(сармоя) билан таъминланадиган илмий ишлар дастурини ишлаб чиқиш , инситут фондига ИТИлар ҳисобидан маблағ тушириш.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. “Институтда 2015 йил давомида бажарилған илмий-тәдқиқот ишларининг якунлари ва 2016 йилдаги вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан илмий ишлар бўйича проректор Э.Х.Исаковнинг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Институтда хўжалик шартномалари ва давлат илмий–техник дастурлари лойиҳалар танловларига КИХИ, МИ ва иқтидорли талабалар кенгроқ жалб этилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
3. Катта илмий ходим-изланувчилик институтини битириб диссертацияларини ҳимоя қилмаган ҳамда мустақил тадқиқотчилик асосида докторлик диссертация ишини бажараётган ходимларни диссертация ишининг ҳолати ўрганиб чиқилсин ва уларнинг ҳимоя қилиш чоралари кўрилсин. Бу ишда кафедра мудирлари ва илмий маслаҳатчиларнинг масъулияти янада оширилсин. **Масъул:** Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи. **Муддати:** 1 ой.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 47-сонли мажлис баёни ва 49-сон ҳайъат йигилиши қарорларида, ОваўМТВнинг 448- ва 461-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар, яъни Олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион ҳамкорлик ишлари жадаллаштиришда мутахассислик кафедра мудирлари масъулияти оширилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
5. Таълим ва илмий жараённи узвийлигини таъминлаш мақсадида институт тасарруфидаги кафедралар миқёсида бакалавр, магистр ва докторлик мавзуларини узлуксизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими.
6. Ушбу қарор ижросининг назорати илмий ишлар бўйича проректор Э.Х.Исаков зиммасига юклатилсин.



**Илмий кенгаш котиби**

**Кўчирма ҳақиқий**

**Р.Т.Эшмаматов**

### 3 – масала

“Институтнинг масофавий таълим тизимига мўлжалланган [moodle.samqasi.uz](http://moodle.samqasi.uz) портплида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала бўйича Илмий кенгашнинг 2015 йил 4 декабр 4/1-сонли қарори

Илмий кенгаш “Институтнинг масофавий таълим тизимига мўлжалланган [moodle.samqasi.uz](http://moodle.samqasi.uz) портплида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан институт ўкув-услубий бўлими бошлиғи Ў.С.Сирожиддиновнинг ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуидагиларни таъкидлайди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон Қарорида “Таълим” Ахборот тизимлари мажмуасини жорий этиш борасида белгиланган вазифаларни ижроси юзасидан вазирлик томонидан олий таълим муассасаларига масофали ўқитишнинг самарали технологияларидан, жумладан таълимнинг “**moodle**” тизимини жорий этиш ва шу асосда талабанинг билимларини шакллантириш ва такомиллаштириш вазифаси қўйилган.

Хозирги кунда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти «MOODLE» масофавий таълим тизими факултетлар, кафедралар бўйича **459** та профессор-ўқитувчилар, **114** та магистрлар, **3960** та бакалавриат талабалари рўйхатдан ўтказилди. Шундан “Архитектура” факултети **975** та, “Қурилиш” факултети **1046** та, “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факултети **885** та, “Қурилишни бошқариш” факултети **442** та талаба, жами **3960** та фойдаланувчи рўйхатдан ўтказилди.

Бугунги кунгача институтда мавжуд **418** та фанларнинг **301** таси бўйича электрон модуллар яратилиб, Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти «MOODLE» масофавий таълим тизими [www.moodle.samqasi.uz](http://www.moodle.samqasi.uz) порталига жойлаштирилди. Шулардан 125 таси барча талабларни қаноатлантирадиган даражада, 176 таси баъзи камчиликлар билан киритилган. Шундай бўлса-да, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариб, электрон “**moodle**” тизимига фанларни тўлиқ киритган “Ўзбекистон тарихи”, “Ахборот технологиялари”, “Чет тиллар” ва “Ижтимоий фанлар” кафедралари фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин.

Афсуски, айрим кафедра мудирлари ва ўқитувчиларимизнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлиги ва эътиборсизлиги туфайли **117** фандан электрон модуллар **ҳозиргача шакллантирилмаган**. Шундан 20 га яқини янги фанлар деб ҳисобласак, тахминан 100 тадан кўпроқ фанга оид услубий материаллар электрон “**moodle**” тизимига умуман киритилмаган. Ваҳоланки барча асосий ишларни 2015 йилнинг 1-ноябргача якунлаш тўғрисида кафедра мудирлари институт ўкув-услубий кенгашида ва факультетларда бўлган йиғилишларда барча профессор-ўқитувчилар огоҳлантирилган. Бундай фанлар “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида **17** тани, “Ландшафт дизайнни ва интеръер” кафедрасида **6** тани, “Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш” кафедрасида **10** тани, “Сув таъминоти ва канализация” кафедрасида **15** тани, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедрасида **16** тани, “Шаҳар қурилиш ва хўжалиги” кафедрасида **11** тани ташкил этади.

Ундан ташқари, “Тасвирий санъат”, “Ландшафт дизайнни ва интеръер” кафедраларида бирорта тўлиқ шакллантирилган **электрон мажума мавжуд эмас**. Кафедра ўқитувчилари томонидан ўтилаётган фанлар номигагина, ярим-чала ҳолатда киритилган бўлиб, ундан бирор талаба керакли маълумотни олиши гумон. Камчиликлар билан, тўлиқ шакллантирилмаган электрон мажмуалар сони “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида **12** тани, “Ландшафт дизайнни ва интеръер” кафедрасида **19** тани, “Бино ва иншоотлар” кафедрасида **10** тани, “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедрасида **14** тани, “Сув таъминоти ва канализация” кафедрасида **16** тани, “Геодезия, картография ва кадастр” кафедрасида **15** тани, “Шаҳар қурилиш ва хўжалиги” кафедрасида **14** тани ташкил этади.

2015-2016 йилларда олий таълим муассасаларида ҳар 100 талабага 25 донагача бўлган компьютер тўғри келиши назарда тутилган. Бизнинг институтимизда бу кўрсаткич бўйича ҳар 100 талабага **8,4** дона компьютер тўғри келади. Шу билан бир қаторда ОТМларда мавжуд компьютер паркининг ўкув жараёнига жалб этилган компьютерлар

сони 70%дан кам бўлмаслиги кераклигини назарда тутадиган бўлсак, бу борада ҳам ишларимизни жадаллаштириш талаб этилади.

Юқоридаги қайд этилган мулоҳазалар асосида

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. “Институтнинг масофавий таълим тизимига мўлжалланган [moodle.samgasi.uz](http://moodle.samgasi.uz) портплида олиб борилаётган ишлар ҳақида”ги масала юзасидан институт ўқув-услубий бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддиновнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Кафедраларда ўқитилаётган фанлар бўйича электрон мажмуаларни “moodle” масофавий таълим тизимига киритиш ишларининг охирги муддати этиб жорий йилнинг 15 декабри белгилансин. **Масъуллар:** Кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилар.
3. Қўйидаги кафедра мудирлари “moodle” тизими бўйича берилган топширикларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил этмаганлиги, кафедрада ўтилаётган фанларни [moodle.samgasi.uz](http://moodle.samgasi.uz) портали жойлаштиришда сусткашликка йўл қўйганликлари кўрсатиб ўтилсин:

**Т.Ёркулов** - “Тасвирий санъат” кафедраси мудири;

**Ш.Тугизов** – “Ландшафт дизайн ва интеръер” кафедраси мудири;

**О.Ж.Жураев** - “Сув таъминоти ва канализация” кафедраси мудири;

**Д.Журакулов** - “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси мудири;

**А.Худайбердиев** - “Шахар қурилиш ва хўжалиги” кафедраси мудири;

**Р.Зоиров** - “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири в.б.

4. Талабалар, магистрлар ва барча профессор-ўқитувчиларга “электрон ҳукумат” тизими доирасидаги “Таълим” ахборот тизимлари мажмуаси, унинг мазмун-моҳияти ва фойдаланиш қоидалари тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида семинар-тренинглар ташкил этилсин. **Масъуллар:** Ахборот-технологиялар маркази, факультет деканлари ва кафедра мудирлари. **Муддати:** ўқув йили давомида.
5. Ушбу қарор ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Кўлдашев** зиммасига юклатилсин.

**Илмий кенгаш хотиби**



**Кўчирима ҳақиқий**

**Р.Т.Эшмаматов**

#### 4 – масала

**“Институт Ахборот ресурс марказининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 4 декабр 4/2 сонли қарори**

Илмий кенгаш “Институт Ахборот ресурс марказининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Ахборот ресурс маркази директори **Д.У.Маматқулованинг** маъruzасини тинглаб, муҳокама этиб, қуидагиларни таъкидлайди.

Ҳозирги кунда марказ фондни **462789** нусхада ўқув адабиётлар билан таъминланган бўлиб, **101491** нусхада илмий йўналиш бўйича, **281307** нусхада ўқув адабиётлар, **9212** нусхада бадиий адабиётлар **67888** нусхадан ортиқ бошқа турдаги адабиётлар билан таъминлаган. Бундан ташқари **12123** нусха лотин алифбосидаги ўқув адабиётлар ҳам мавжуд.

Марказга қарашли филиалларда ҳам барча шароитлар яратилган ва филиаллар аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Республикаизда чоп этилаётган турли номдаги газета ва журналлар билан таъминланган бўлиб, “Маркетинг ва ахборот хизмати” бўлими томонидан ўрнатилган тартибда бўлимларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда АРМ замонавий ахборот технологиялари жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, улардан **23 дона** компьютер, **3 дона** нусха кўпайтириш аппарати, **2 дона** сканер ва **1 дона** видеоэроектор мавжуд. АРМ локал, корпоратив ва глобал тармоққа уланган.

Марказга қарашли электрон кутубхона ҳодимлари томонидан ноёб ва кам таъминлаган китобларнинг электрон вариантларини шакллантириб, “**ARMAT**” автоматлаштирилган кутубхона тизимида жойлаштириб келмоқда.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ўқув-услубий адабиётларнинг электрон вариантларидан абонаментлар фойдаланиши учун институтнинг ички локал тармоғига ҳамда интернетдаги **arm.samgasi.uz** манзилига жойлаштирилган.

“**ARMAT**” электрон каталоглаштирувчи дастурига адабиётларни киритиш учун корпоратив тармоққа уланган. Ҳозирги кунда **14000 га** яқин ўқув адабиётлари киритилиб борилмоқда.

Ўқув адабиётлардан ташқари профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг “**ARMAT**” электрон каталоглаштирувчи дастурига китобхон сифатида аъзолик ишлари шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 24 августдаги “Олий таълим тизимидағи гуманитар ва ижтимоий –иқтисодий фанларни оптималлаштириш тўғрисида”ги 310-сонли бўйруғига мувофиқ, марказ фондига 14 номдаги «Сиёsatшунослик» фанига оида ўқув адабиётлари ёпиқ фонд сифатида олиб қўйилди.

Келажакда Ахборот ресурс марказининг фондини янада бойитиш мақсадида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан режа асосида бериладиган ўқув адабиётлардан ташқари, институт кафедралари томонидан тақдим этилаётган талаблар асосида кам таъминланган ёки етишмаётган адабиётлар учун республикаиздаги қуидаги “Адолат”, “Шарқ”, “Ўзбекистон” матбаа ижодий-үйи ва бошқа нашриётлар билан шартномалар тузилмоқда.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### Илмий кенгаш қарор қилади

1. “Институт Ахборот ресурс марказининг фанлар бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати ҳақида”ги масала юзасидан Ахборот ресурс маркази директори **Д.У.Маматқулованинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда таҳсил олаётган талабаларнинг барчаси Ахборот ресурс марказига аъзо бўлишларига жалб этилсин. **Масъуллар:** Декан мувовинлари ва гуруҳ мураббийлари. **Муддати:** 1 ой.

3. Кафедраларда ўтиладиган фанлардан бўйича етишмайдиган адабиётларнинг маъруза матнлари яратилсин ва институт Ахборот ресурс марказига етказилсин. **Масъуллар:** Кафедра мудирлари ва фан ўқитувчилари. **Муддати:** 2016 йил 1 февралгача.
4. Ушбу қарор ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.



## **Ҳар хил масалалар.**

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни давом эттириш учун сўз илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

### **I. Иқтидорли талабалар орасидан номдор стипендияларга номзодларни тавсия этиш тўғрисида.**

#### **Эшитилди:**

Мазкур масала юзасидан институтнинг илмий ишлар бўйича проректори **Э.Х.Исаковнинг** ахбороти тингланди ва СамДАҚИ илмий Кенгашининг 2008 йил 31-октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган “**Институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**”ги Низомга мувофиқ ҳар бир факультетга биттадан квота(ўрин) ажратилганлиги тўғрисида илмий Кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низомга биноан институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулов номли стипендиясига 2015-2016 ўкув йили учун қўйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди ўқиб эшиттирилди:

1. “Архитектура” факультетидан “Архитектура” таълим йўналиши 303 – Архитектура гуруҳи талабаси **Тоштемирова Асалой Равон қизи**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналиши 303-“Бино ва иншоотлар қурилиши” гуруҳ талабаси **Саттаров Темур Икрамбоевич**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” таълим йўналиши, 301- “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” гуруҳи талабаси **Ҳайдаров Шахбозжон Зухриддин**;
4. “Мұҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши 302–“Геодезия, картография ва кадастр”(Бино ва иншоотлар кадастри) гуруҳи талабаси **Ҳасанова Сарвиноз Файзулла қизи**.

Ушбу масала бўйича факультет деканлари сўзга чиқиб, номзодлар тўғрисида ижобий фикрлар билдиришди.

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2008 йил 31 октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган “**Институтнинг биринчи ректори Р.Р.Абдурасулов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**”ги Низомга мувофиқ 2015-2016 ўкув йили учун ушбу стипендияга қўйидаги **тўрт нафар** талабанинг номзоди тасдиқлансаннин:

1. “Архитектура” факультетидан “Архитектура” таълим йўналиши 303 – Архитектура гуруҳи талабаси **Тоштемирова Асалой Равон қизи**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналиши 303-“Бино ва иншоотлар қурилиши” гуруҳ талабаси **Саттаров Темур Икрамбоевич**;
3. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” таълим йўналиши, 301- “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” гуруҳи талабаси **Ҳайдаров Шахбозжон Зухриддин**;
4. “Мұҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши 302–“Геодезия, картография ва кадастр”(Бино ва иншоотлар кадастри) гуруҳи талабаси **Ҳасанова Сарвиноз Файзулла қизи**.

#### **Эшитилди:**

Мазкур масала юзасидан институтнинг илмий ишлар бўйича проректори **Э.Х.Исаковнинг** ахбороти тингланди ва СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланган “**Академик Т.Ш.Ширинкулов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби тўғрисида**”ги Низомга мувофиқ ҳар бир факультетга биттадан квота(ўрин) ажратилганлиги тўғрисида Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу Низомга биноан **академик Т.Ш.Ширинқұлов номли стипендия**га 2015-2016 ўқув йили учун қуидаги **түрт нафар** талабанинг номзоди ўқиб эшиттирилди:

1. “Архитектура” факультетидан “Дизайн” таълим йұналиши 302-Дизайн гурухи талабаси **Ибадуллаев Гулбону Шұхрат қызы**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йұналиши 404–“Бино ва иншоотлар қурилиши” гурухи талабаси **Сапарбоев Муродбек Давронбек үғли**.
3. “Мұхандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йұналиши 402–“Геодезия, картография ва кадастр” гурухи талабаси **Худойназаров Мардонбек Ахмедович**;
4. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Күчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” таълим йұналиши 302–“Күчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” гурухи талабаси **Раджабова Рухшона Райимовна**;

Ушбу масала буйича факультет деканлари сұзға чиқиб, номзодлар түғрисида ижобий фикрлар билдириши.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомаси қарори билан тасдиқланған **“Академик Т.Ш.Ширинқұлов номли стипендия ва уни тайинлаш тартиби түғрисида”**ги Низомга мувофиқ 2015-2016 ўқув йили учун ушбу стипендияга қуидаги **түрт нафар** талабанинг номзоди тасдиқлансин:

1. “Архитектура” факультетидан “Дизайн” таълим йұналиши 302-Дизайн гурухи талабаси **Ибадуллаев Гулбону Шұхрат қызы**;
2. “Қурилиш” факультетидан “Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йұналиши 404–“Бино ва иншоотлар қурилиши” гурухи талабаси **Сапарбоев Муродбек Давронбек үғли**.
3. “Мұхандислик коммуникациялари қурилиши” факультетидан “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йұналиши 402–“Геодезия, картография ва кадастр” гурухи талабаси **Худойназаров Мардонбек Ахмедович**;
4. “Қурилишни бошқариш” факультетидан “Күчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” таълим йұналиши 302–“Күчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” гурухи талабаси **Раджабова Рухшона Райимовна**.

**II. Ўқув адабиётларни чоп этишга тавсия қилиш ҳақида.**

**Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сұзға чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институты “Чизма геометрия ва мұхандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси **М.Абдуманнонов** томонидан **“Қурилиш қизмачилиги”** фанлари буйича тайёрланған **“Қурилиш қизмачилиги”** номли ўқув құлланмаси 3580200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” тайёрлов йұналиши 3580202 – “Умумқурилиш ишлари устаси” йұналиши буйича таълим олаёттан ўрта маҳсус, касб-хунар колледжлари талабалари учун учун мұлжалланғанлыгини гапириб, ушбу ўқув құлланмага СамДАҚИ “Чизма геометрия ва мұхандислик графикаси” кафедраси доценти **Б.Воҳидов**, СамДАҚИ “Қурилиш материаллари, буюмлары ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси доценти **Х.Құлдашев** ва Пастдарғом қурилиш технологиялари касб-хунар колледжи директори **Ғ.Шомирзаевлар** томонидан берилған тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништириди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сұзға чиқиб, ушбу ўқув құлланмадан 3580200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” тайёрлов йұналиши 3580202 – “Умумқурилиш ишлари устаси” йұналиши буйича таълим олаёттан ўрта маҳсус, касб-хунар колледжлари талабалари фойдаланишлари ҳамда айни вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукаммаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув құлланмани **100 (юз)** нұсхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

## **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Чизма геометрия ва мұхандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси **М.Абдуманнонов** томонидан **“Қурилиш қизмачилиги”** фанлари бўйича тайёрланган **“Қурилиш қизмачилиги”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётдаридан кўчирилмаганлиги ва ундан 3580200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” тайёрлов йўналиши 3580202 – “Умумқурилиш ишлари устаси” йўналиши бўйича таълим олаётган ўрта маҳсус, касб-хунар коллажлари талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансан.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Чизма геометрия ва мұхандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси **М.Абдуманнонов** томонидан тайёрланган **“Қурилиш қизмачилиги”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги ўрта маҳсус, касб-хунар коллажлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

## **Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доцентлари **У.Фахриддинов**, **Ғ.Шукров**, **А.Байзаков** ва Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб хунар коллажи ўқитувчилари **Ш.Қ.Ризаев**, **З.Н.Ботирова**, **М.Давировалар** ҳаммуаллифлигида **“Архитектура конструкцияси”** фани бўйича тайёрланган **“Архитектура конструкциялари”** номли ўқув қўлланмаси 3580201 – “Бино ва иншоотлар бўйича техник архитектор” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-хунар коллажлари талабалари учун мўлжалланганигини гапириб, ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Бино ва иншоотлар” кафедраси доцентлари **С.Матязов**, **Э.С.Тулаков** ва Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб хунар коллажи маҳсус фан ўқитувчиси **Ю.Р.Абдуназаровалар** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништириди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 3580201 – “Бино ва иншоотлар бўйича техник архитектор” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-хунар коллажлари талабалари фойдаланишлари ҳамда айни вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукаммаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

## **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доцентлари **У.Фахриддинов**, **Ғ.Шукров**, **А.Байзаков** ва Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб хунар коллажи ўқитувчилари **Ш.Қ.Ризаев**, **З.Н.Ботирова**, **М.Давировалар** ҳаммуаллифлигида **“Архитектура конструкцияси”** фани бўйича тайёрланган **“Архитектура конструкциялари”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётдаридан кўчирилмаганлиги ва ундан 3580201 – “Бино ва иншоотлар бўйича техник архитектор” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-хунар коллажлари талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансан.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доцентлари **У.Фахриддинов**, **Ғ.Шукров**, **А.Байзаков** ва Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб хунар коллажи ўқитувчилари **Ш.Қ.Ризаев**, **З.Н.Ботирова**, **М.Давировалар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Архитектура конструкциялари”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги ўрта маҳсус касб-хунар коллажлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

## **Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш конструкциялари” кафедраси доцентлари **Т.Қосимов**,

**Б.Ш.Шомуродов** ва асистентлар **И.М.Кулмирзаев,** **М.М.Аслоновлар** ҳаммуаллифлигигида “Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати” фани бўйича тайёрланган “**Техник ва механик ўлчов асбоблари**” номли ўқув қўлланмаси 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”, 5111007 – “Касб таълими(5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши)”, 5340300 – “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”, 5340900 – “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш”, 5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи”, 5111028 – “Касб таълими(5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)”, 5340500 – “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, 5340800 – “Автомобил йўллари ва аэродромлар”, 5610100 – “Хизматлар соҳаси(Уй-жой ва коммунал, маишӣ хизматлар)” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланганинги гапириб, ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Бино ва иншоотлар” кафедраси доценти **У.Фахриддинов** ва СамДАҚИ “Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти **Ж.Н.Ганиевлар** тақриз беришган томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништириди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан юқорида таъкидлаб ўтилган бакалавриат таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари ҳамда айни вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукаммаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-курилиш институти “Қурилиш конструкциялари” кафедраси доцентлари **Т.Қосимов,** **Б.Ш.Шомуродов** ва асистентлар **И.М.Кулмирзаев,** **М.М.Аслоновлар** ҳаммуаллифлигигида “Метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва сифат назорати” фани бўйича тайёрланган “**Техник ва механик ўлчов асбоблари**” номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши”, 5111007 – “Касб таълими(5340200 – Бино ва иншоотлар қурилиши)”, 5340300 – “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”, 5340900 – “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш”, 5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи”, 5111028 – “Касб таълими(5340400 – “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)”, 5340500 – “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, 5340800 – “Автомобил йўллари ва аэродромлар”, 5610100 – “Хизматлар соҳаси(Уй-жой ва коммунал, маишӣ хизматлар)” бакалавриат таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансан.
2. Самарқанд давлат архитектура-курилиш институти “Қурилиш конструкциялари” кафедраси доцентлари **Т.Қосимов,** **Б.Ш.Шомуродов** ва асистентлар **И.М.Кулмирзаев,** **М.М.Аслоновлар** ҳаммуаллифлигиги тайёрланган “**Техник ва механик ўлчов асбоблари**” номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда кўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий ўқув юртлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.



Илмий кенгаш хотиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов